

Совет Ҳукуматининг Ўзбекистонда Амалга Оширган Қатағонлик Сиёсати

A. Ф. Мажидов.¹, A. С. Мажидов.²

Аннотация: Мазкур мақоладан тадқиқотчиларнинг Совет ҳукумати томонидан Ўзбекистон ССРда жамоалаштириш сиёсатини зўрлик билан амалга оширилиши, оммавий “қулоклаштириш”нинг маҳаллий аҳолига нисбатан зулм ва зўравонликка айланиб кетганлиги ҳақидаги изланишлари ўрин олган. Шунингдек, унда аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этган ўзига тўқ, мулкдор, савдогар ва ўртаҳол дехконлар табакасининг расмий ҳокимият органлари томонидан оммавий тарзда қувғин ва таъқиб қилиниши жараёни тарихий хужжат ва архив манбалари асосида ёритиб берилган.

Ключевые слова: Президент, Туркистан, “Қизил террор”, “халқ душмани”, ОГПУ, СССР, Сталин, ВКП(б), жамоалаштириш, Зомин, Ғаллаорол, мулкдорлар, МТС, ишчи-дехқон, хунарманд, “қулоклаштириш”, “Қатағон курбонлари хотираси” музейи.

Истиқлол йилларида тарих фанимизда ҳам том маънода инқилобий ўзгаришлар юз бериб, неча йиллар давомида бузиб талқин этилган ёки яшириб 136 келинган тарихий воқеаларни холислик, тарихийлик, ҳаққонийлик тамойиллари асосида тадқиқ қилишга киришилди. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида "...Шўро даврида ўзбек миллати тарихи бузиб” кўрсатилганлиги, чалкаштириб ёритилганлиги алоҳида таъқидлаб ўтилади [1].

Эндиликда асрлар давомида эзилган, шаъни ва ғурури ерга урилган халқимизнинг эзгу ниятлари рўёбга чиқа бошлади. Ватанимиз тарихшунослигига, унинг фидойи намоёндалари илмий фаолиятидаги жиддий, ижобий ўзгаришлар ҳамда эришилаётган ютуклар бунинг яққол далилидир.

Бизга якин тарихимиздан маълумки, коммунистик тузум жаҳонда VII аср бошларидан бери яшаб келаётган муқаддас Ислом динини Туркистанда йўқ қилмоқчи бўлди. У 1918 йилдан 1950 йиллар ўрталаригача янги империяни мустаҳкамлаш учун табакаларга ажратиш сиёсатини олиб бориб, 6 млн. туркистонликни “миллатчи”, “пантуркист”, “панисломист”, “халқ душмани”, “кулок” ва “империалистлар малайи”каби тамғалар билан қоралаб қатағон килди ва қириб ташлади [2].

Совет ҳукуматининг мустамлакачилик фаолиятизўравонлик, зулм, ерлари босиб олинган халқларнинг мол-мулки, ер-сувини ноконуний равишда тортиб олиш, аҳолининг зиёли қисмини ва илм-маърифатли диндорлару уламоларни оммавий қатл этиш, сургун қилиш, ҳақ-хукукларидан маҳрум этиш асосига курилган эди. Бу ваҳшиёна сиёсат тарихда “Қизил террор”номи билан инсоният тараққиётида худди фашизм каби ёвузлик тимсоли бўлиб қолди.

Дарҳақиқат, Совет давлати эълон қилган “социалистик инсонпарварлик”, адолат ҳақидаги ғоялар билан ҳақиқий воқелик ўртасида катта зиддиятлар мавжуд эди. Бу ҳол миллий маънавий ҳаётнинг асл моҳиятини нотўғри тушуниш ва кўп асрлик маънавий қадриятларни йўқ қилишга уриниш билан ифодаланади. Мазкур жараён айникса қатағонлик ҳатти-ҳаракатлари остида айникса кучайиб борди. Кўриб чиқилаётган даврда Ўзбекистонда инсонийлик ва демократия принципларини оёқ ости қиласидан, ҳар қандай ўзгача фикр юритишни куч билан бўғадиган оммавий ўзбошимчалик ва зўрлик билан Ватанга собиқ неча ўн минглаб кишилар қириб ташланган тоталитар тартибот қарор топди ва кучая борди. Натижада большевиклар давлатининг 1930 йиллар охирида ўз ҳалқига нисбатан қатағонлари айникса кенг кўламда авж олди. Бир туман ёки кишлоқ миқёсида бирорта раҳбар “халқ душмани” га айлантирилган бўлса, унинг “думи” сифатида яна 50-60 киши ўз юртдан бадарга қилинган ёки қамалган эди. Шунинг учун ҳам қатағонлар республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ларзага келтириди, кишиларда доимий қўрқув уйғотди.

Иттифоқнинг жазо органлари ва унинг республикадаги тузилмалари бир неча айбизиз кишилар устидан сохта “ишлар”ни тўқиб чиқдилар, оммавий хибсга олишлар уюштирилди, минглаб жамоат арбоблари, йирик олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари, хўжалик кадрлари, ишчилар, дехқонлар, дин вакиллари ва бошқалар судсиз-сўроқсиз қамоққа ташландилар [3:].

Аввало бунга Совет ҳукуматининг ҳокимият тепасига келган вақтдан бошлаб амалга оширган сиёсатининг ғоявий ва амалий жиҳатдан камчиликларга тўла эканлиги сабаб бўлди. Оқибатда аҳоли уч тоифага бўлиниб кетди. Чунончи улардан биринчи тоифали одамлар Совет ҳукуматининг берган ваъдаларига ишониб, улар томонга ўтган бўлса, иккинчи тоифа одамлари эса кўпроқ ўз манфаатларини кўзлаб Совет ҳокимиятини тан олганлар ва

¹ ЖДПИ Тарих факультети мустақил тадқиқотчилари

² ЖДПИ Тарих факультети мустақил тадқиқотчилари

шунингдек учинчи тоифа эса ушбу ҳокимиятга ишонмайдиган, ўз-ўзидан шубҳасиз у томонга ўтишдан бош тортган инсонлар эди.

Мазкур катағонлик сиёсати билан боғлиқ жараёнлар Жиззах воҳасида қай тариқа кечди?

Ўрганилаётган давр хужжатларидан аниқлаш мумкинки, ўз манфаати учун Совет ҳокимияти томонга ўтганлар мустаҳкам бўлмаган тузумдан фойдаланиб кўплаб нохушликлар (жамоа мулкини ўзлаштириш, ахоли орасида тарғибот олиб бориш ва бошқалар) қиласидилар, лекин Совет ҳукумати вакиллари буни бўртириб, ўз 137 душманлари, ҳақиқий тузумга қарши ер-мулкдорларни батамом йўқотиш учун фойдаланадилар. Чунончи, “Колхоз галабаси” газетасида ёзилишича “...Ҳали бизнинг колхозимизда (“Сталин “колхози ҳакида сўз бормоқда”) бир қисм яхши жонкуяр бошлиқлар бўлиши билан кўпгина колхозларимизда синфият ва уларнинг кўйруқлари сақланиб туради. Айрим колхоз бошлиқларининг балки бутун турмуши жиноятдан иборат, сайлов даврида шундай колхознинг мулкини талаган ва унинг молларини яхши сақламаган, колхозда меҳнатни яхши ташкил этмаган ва уни емиришга ҳаракат қилган колхоз бошлиқларини раҳмсиз равишда ишдан ҳайдаш, уларнинг ўрнига яхши ударник колхозчи эр ва аёллардан сайлаш керак. Қишлоқда колхозга сайданиб қолган қулоқлар ўзларининг ниятларини ва кирдикорларини яшириб қолиши мақсадида кўпгина колхозчиларни сайловга келтирмаслик учун ҳаракат қиласидилар. Яна бошқа рангдаги хунарларини ҳам ахтариб кўрадилар. Қишлоқ активи ўзининг теварагига колхозчиларни топиб қулоқнинг бу соҳадаги ҳаракатига кескин зарба бериши керак [4]. Шу каби баҳоналар асосида тузум душманлари деб ҳукуматни кўлламаганларни йўқ қилишга киришилади.

Архив материалларидан бизга маълум бўлишича, Совет ҳукумати вакиллари мафкурадан четга чикиб белгиланган вазифаларни бажармаётган инсонларга турли баҳоналар билан “қулоқ”, “халқ душмани” номини қўйишга ҳам бордилар. Чунончи, Жиззах воҳаси Зомин худудидаги Аччи қишлоқ советига қарашли Бешкуби қишлоғида яшовчи Осан Ботиров қишлоғида чакана савдоғарлик билан шуғуллангани учун, бўртирилиб у колхозда ишламаяпти, кимлар биландир алоқа қиляпти, “халқ душмани” деб мазкур шахсга нисбатан тазиқ оширилади [5].

Маълумки, СССРда, жумладан, Ўзбекистонда колективлаштириш (жамоалаштириш) даврида дастлаб йўқсилларни (дехқонлар, хунармандлар ва барча мулксизлар табақасини) ширкатларга тортиш, кейин колхозлар ташкил этиб, хусусий мулкчиликка барҳам бериш туфайли камбағал табақаларни тегишили йўналишлар бўйича жамоага бирлаштириш бошланиб кетди[6]. Мулкдорлар, ҳатто, ўртаҳол дехқон хўжаликларини эса синф сифатида қулоқ қилишлар йўқсилларни жиплашишга, жамоа хўжаликларида биргалашиб ишлашга олиб келди. Улар ўзбек номи остидаги Ўзбекистон фуқаролари эди. Давлатни ўзбек ишчи-дехқонлар синфининг давлати деб юритилиши ҳам улар қалбида хотиржамлик туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Синф сифатида қулоқ қилинган туркистонликлар қалбида эса нотинчлик, уларни ўзбек совет ҳалқи номидан қатағон қилиниши эса, бу номга нафрат уйғотар эди. Миллатнинг саралари, ишбилармон, тадбиркор тоифаси бўлган ўртаҳол мулкдоргача эксплуататор синф сифатида йўқ қилиниб, шўро ҳокимиятининг бу жирканч ишлари маҳаллий ҳалқ вакиллари кўли билан амалга оширилди[7].

Ўзбекистоннинг янги тарихи китобининг бугунги кун нуктаи назаридан холис ва адолатли ёзилган саҳифаларини ўқиймиз. И.В.Сталиннинг “Правда” газетасининг 1929 йил 7 ноябрь сонида босилиб чиқсан “Буюк бурилиш йили” сарлавҳали мақоласи жадал жамоалаштиришни “назарий” жиҳатдан асослаб берди. Унда, кенг қишлоқ оммаси колхозларга кириш учун етилди, деб ёзилган эди[8].

ВКП (б) МКнинг 1929 йилги ноябрь пленуми унинг фикрини партия Дириктивасига айлантириди. Пленум жамоалаштириш суръатларини ҳаддан ташқари кучайтириш, унга оммавий тус беришдан иборат аниқ вазифани қўйди. 1929 йил 27 декабрда аграр марксчилар конференциясида сўзга чиқсан Stalin “ёппасига жамоалаштириш асосида қулоқларни синф сифатида тутатиш” шиорини эълон қилди.

Оммавий “қулоқлаштириш” ахолининг мулкдор катламига нисбатан зулм ва зўравонликка айланиб кетди. 2000 йил нашр этилган “Ўзбекистоннинг янги тарихи” китобида Зарафшон вилоятидаги “колхозлаштириш фаоллари”нинг Сталинга йўллаган хати берилган. Унда шундай жумлаларни ўқиймиз: “Биз қулоқлар ва бойларга нисбатан замонавий сиёсатнинг барча қоидалари асосида муомала қилмоқдамиз, факат чорва моллари, гўшт, асбобларни эмас, балки уруғлик, озиқ-овқат ва қолган мол-мulkни ҳам олиб қўймоқдамиз. Онаси қандай тукқан бўлса, ўшандай ҳолда колдирмоқдамиз” [7].

Ўша пайтда жойларда Машина-трактор станциялари (МТС)лар тузилган. МТСларнинг сиёсий бўлимлари 1933-1934 йилларда партиянинг қишлоқдаги фавқулодда органи сифатида фаолият кўрсатган[9]. Улар томонидан 1930-1933 йиллар даврида колхозларга, уларнинг фикрича, “сукулиб кириб олган” қулоқлар ва “ёт унсурлар”дан 30 мингдан ортиқ киши ҳайдаб чиқарилган. Уларнинг кўпчилиги “жамоалаштиришга қарши фаол чиқишлари учун” деган айблов бўйича катағон қилинган.

Ўзбекистонда 1931 йилда машина – трактор станциялари 48 та туманда ташкил қилинди. 1937 йилда МТС лар сони 163 тага, 1940 йилда эса 189 тага етган[10].

Шу ўринда эътиборимизни Жиззах вилояти Фаллаорол тумани давлат архивида сақланаётган қуйидаги тарихий далилларга каратсан:

Фаллаорол туманидан 1931-1933 йилларда қулоқ қилингандар:

1. Ўсаров Қоржов - 1877 йилда Фаллаорол туманида туғилған, илмли, зиёли шахс бўлиб, 1929 йил қамоққа олинган. 1930 йил Тошкентнинг Пиштактўқмок деган жойида 53 ёшида вафот этган.
2. Ирсатов Хўжамиёр - дело 268, Фаллаорол тумани, Авлиё қишлоқ совети, Алмасван-Сугимбай қишлоқ, тегирмони бўлган, 24 пуд буғдойни чиқарган.
3. Холмуратов Хўжамурод - дело 269, Чувуллоқ қишлоқ. Бошқа маълумот йўқ.
4. Холикулов Пиримқул - Обиз қишлоқ совети, Узунбулоқ қишлоқ. Бошқа маълумот йўқ.
5. Норматов Жуман – Янгиқўрон районидан қулоққилинган. Бошқа маълумот йўқ.
6. Яриев Қурбон - дело 271, Чувиллоққишлоқ, бошқа маълумот келтирилмаган.
7. Насретдинов Юсуп - дело 242, ҳар доим хизматчи меҳнатидан фойдаланган. Ленинский қишлоқ совети.
8. Ҳакимов Холназар - сақлов фонди 40, дело 108, Карадага қишлоқ совети, Қора қишлоқ. 1350 рубль даромад кўрган.
9. Милбоев Жонзор қишлоқ жилди 41, дело 109, Қора қишлоққишлоқ совети, Удамали қишлоқ, тамаки маҳсулотлари сотганликда (нос) ва хизматчи меҳнатидан фойдаланганликда айбланган.
10. Танабоев Ҳожимат- Қора қишлоққишлоқ совети, Қора қишлоқ, сақлов фонди 42, дело I К), хизматчи меҳнатидан фойдаланган бир йил мобайнида.
11. Абдурахмонов Абдуғаффор - сақлов фонди 43, дело III, Қора қишлоқ қишлоқ совети, Юқори Сарой қишлоқ, меҳнатсиз даромад килган, савдогарчилик билан шуғулланган.
12. Ўсаров Бойжигит - сақлов фонди 44, дело 112, хизматчи меҳнатидан фойдаланган. Қора қишлоқ қишлоқ совети.
13. Қодиров Исмат-Қора қишлоқ қишлоқ совети, Сарой қишлоқ, сақлов фонди 45, дело 113, мойжувози бўлган, 500 рубль микдорида даромад килган.
14. Ражабов Расул- сақлов фонди 46, дело 114, Қорақишлоқ қишлоқ совети, Юқори Сарой қишлоқ, 45 ёш бўлган, 1933 йилда қулоққилинган, Имом Абдурахмон ўғлини меҳнатидан фойдаланган. Дехқончиликдан йигилган хосилини бозорга олиб чиқиб сотган, 500 рубльдан даромад олган, якка хўжалик сифатида ишлаган.
15. Жабборов Абдурахмон - Қорақишлоқ қишлоқ совети, Сарой қишлоқ, сақлов фонди 47. дело 115, хизматчи меҳнатидан фойдаланган. 1933 йил 65 ёшида қулоққилинган. Меҳнатсиз даромад қилган.
16. Норбоев Норбек -сақлов фонди 33, дело 101, бошқа маълумот йўқ.
17. Дўсматов Маматмурод - сақлов фонди, 102 дело, Қорақишлоқ қишлоқ совети, Калтой қишлоқ, Боймуротов Каромат исмли кишини меҳнатидан йилда давомида фойдаланган.
18. Бердиев Турди - сақлов фонди 35, 103 дело, Қора қишлоқ, Чиги Сарой колхози аъзоси, ишчи кучи хизматидан фойдаланган, Бердиевни ўзи кўй ва кўй гўшти сотиш билан хам шуғулланган.
19. Ўролов Зикрия - сақлов фонди 36, дело 104, Қорақишлоқ қишлоқ совети, Тексарой қишлоқ, 1931 йил 46 ёш бўлган, чорикор хизматчи меҳнатидан фойдаланган.
20. Норматов Алтуш -Қорақишлоқ қишлоқ совети, Чибор қишлоқ, 1931 йил 37 ёшда бўлган, гуруч сотиш билан шуғулланган.
21. Ахмадов Маматқул - сақлов фонди 38, дело 136, 1931 йил қулоқ қилинган,- чорикор меҳнатидан фойдаланган.
22. Тайлоқов Мамақул - сақлов фонди 39, дело 107, Қорақишлоқ қишлоқ совети, Чибор қишлоқ, чорикор меҳнатидан фойдаланган.
23. Эрназаров Андабой - 230 сақлов фонди, 304 дело, Жум- жумсой қишлоқ совети, Шўртепа қишлоқ, чорикор меҳнатидан фойдаланган.
24. Абдуғаффоров Аҳмед - Қорақишлоқ қишлоқ совети, Юқори Сарой қишлоқ, бошқа маълумотлар келтирилмаган.
25. Фойбов Холмат - Мугол қишлоқ совети, сақлов фонди 240, дело 300, 1932 йил қулоқ қилинган, муштумзўр хўжалик 1931 йил Бобобек Мусулмон ўғлини уч ой ишлатган, 1932 йил қулоқ қилинган.
26. Қулматов Ўрол - сақлов фонди 241, дело 299, Жўум жўм қишлоқ совети, 1931 йил қулоқ қилинган, чорикор ишчилар хизматидан фойдаланган.
27. Кўшақов Уммат -сақлов фонди 216, дело 308, Жўум жўм қишлоқ совети, Катта қишлоқ. 1628-29 йилларда 7 кишининг меҳнати ва кучидан фойдаланган.

28. Казаков Ярлақаб - сақлов фонди 217, дело 310, Мугол қишлоқ совети, Мугол қишлоқ. Мулла имомлик ҳам килган, 55 ёшда бўлган 1933 йил қулоқ қилинган, якка хўжалик тартибида солиққа тортилган, ёлланган чорикор Узокбай Анқабоев меҳнатидан фойдаланган.
29. Тошболтаев Дўстмурод - сақлов фонди 249, дело 286, Мугол қишлоқ совети, Жўум жўм қишлоқ, 1932 йилқулоқ қилинган, чорикор батрак иш кучидан фойдаланган.
30. Пармонов Очил - сақлов фонди 250, дело 287, Жўум жўм қишлоқ совети, Катта қишлоқ. 1931 йил қулоқ қилинган, гўшт маҳсулотлари сотиш билан шуғулланган.
31. Мамарасулов Усмон - сақлов фонди 1, дело 23, Губдин қишлоқ совети, Муллабулоқ қишлоқ, кичикроқ ерга дехқончилик қилган, “бечора хол бўлсамда бироз отчилик билан шуғулланганман деб ариза берган Ғаллаорол район сиёсий бюросига берган аризасида.
32. Козимов Содик -сақлов фонди 19, 1931 йил қулоқ қилинган, 70 ёшда бўлганда далоллик қилган, Янгиқўргон район, Сарбозор қишлоқ.
33. Дўсатов Ирискул сақлов фонди 18, 180 кун мобайнида чорикор хизматидан фойдаланган, Хожи булоқ қишлоқ совети, Уймаут қишлоқ.
34. Наврўзов Хасан сақлов фонди 4, Янгиқўргон қишлоқ совети, Сарбозор қишлоқ, 25 ёшда бўлган, мустақил савдо билан шуғулланган.
35. Ортиқбоев Исламас сақлов фонди 14, дело 10, Ғаллаорол қишлоқ совети, Қашқабулоқ қишлоқ илгаридан ишчи кучидан фойдаланиб келган, 1933 йилда 17 гектар ердан бугдойни қасдан 12 гектарини бажармаган.
36. Райимбердиев Мирза - сақлов фонди 15, дело 9, 51 ёшда бўлган, 1931 йил қулоқ қилинган. Янгиқўргон қишлоқ совети, Найман қишлоқ, от сотиш ва сотиб олиш билан шуғулланган. 800 сўм даромад қилган.
37. Мамиров Турдибой - сақлов фонди 10, дело 14, Ғаллаорол қишлоқ совети, Бахмал қишлоқ, 1931 йил 32 ёшда бўлган, мойжувози бўлган, 697 сўм даромад қилган.
38. Абдиқаюмов Умар- сақлов фонди 13, Хўжабулоқ қишлоқ совети, Болғали қишлоқ. Бошқа маълумотлар келтирилмаган.
39. Сайдмуродов Муллатурсун - сақлов фонди 12, 1931 йил қулоқ қилинган, ёш бўлган, Янгиқўргон қишлоқ совети, Сарбозор қишлоқ, чорикор ишчи кучидан фойдаланган.
40. Сарабеков Холбўта - сақлов фонди 11, Обиз қишлоқ совети Обиз қишлоқ, Ўсмат бозорида чинни идишлар савдоси билан шуғулланган. Савдосининг айланма микдори 2000 сўм бўлган.
41. Ибрагимов Караман (Қахрамон бўлса керак)- Обиз қишлоқ совети Обиз қишлоқ, сақлов фонд 9, ишчи кучидан фойдаланган.
42. Айматов Раҳматилла - бу исм (биргина қофозга қулоқ килинди деган сўз бор) Ибрагимов Караманга тегишли бўлган 9 сақлов фондидан олинди. Ҳеч қандай маълумот йўқ.
43. Маматқулов Тайлоқ-сақлов фонди 8, 1931 йилда қулоқ қилинган, Янгиқўргон қишлоқ совети, Қанғли-2 қишлоқ, ўз саройини ижарага бериб турган.
44. Абдуқаюмов Алиқул - сақлов фонди 6, дело 8, 1931 йил қулоқ қилинган, 92 ёшда бўлган. Хўжабулоқ қишлоқ совети, Қизилқурғон қишлоқмехнатисиз даромад қилган. савдо билан шуғулланган 480 сўм даромад қилган.
45. Мамаюсупов Умур - сақлов фонди 5, дело 7, Хўжабулоқ қишлоқ совети, Муллабулоқ қишлоқ, 1931 йил қулоқ қилинган пайтда 31 ёш бўлган.
46. Мирзабеков Мамақодир - сақлов фонди 4, дело 7, Обиз қишлоқ совети, 1- Обиз қишлоқ, 180 кунTotбой Абдусаматов меҳнатидан фойдаланган.
47. Муродов Яхшимат - 1933 йил қулоқ қилинганда 60 ёш бўлган, мол мулки колхоз ҳисобига ўтказилган.
48. Ашурев Пардабой - сақлов фонди 3, дело II, 1931 йил қулоқ қилинган йилда 42 ёш бўлган, Янгиқўргон қишлоқ совети Сарбозор қишлоқ, ширинликлар сотган.
49. Соатов Бегимқул - сақлов фонди 345, Калтатой қишлоқ совети, бой муштумзўр бўлиб доим хизматчи меҳнатидан фойдаланган. доим домла имомлик ҳам қилган[1].

Хулоса қилиб айтганда, Совет хукумати томонидан республикада саноатлаштириш, қишлоқларда жамоалаштириш ёхуд маданий инқилобни амалга ошириш жараёнида жиддий хатоликларга йўл кўйилди. Бузилиш ва чекинишилардан қаттиқ азият чеккан аҳоли табақаларини расмий ҳокимият органлари оммавий тарзда қувгин ва таъкиб қилишганлиги ва турли хил жазоларга тортганлиги ҳам бунинг яққол исботидир.

Оқибатда юз минглаб ватандошларимизга нисбатан “жиноий иш” очилганлиги, уларнинг ҳаёти остин-устун бўлиб кетганлиги фактдир. Айниқса, бунда кишилар дунёқфараши, эътиқодини ўз измига бўйсундириш, уни янги

коммунистик ахлоқ, атеистик тамойиллар руҳида шакллантириш учун жон-жаҳди билан ҳужумкор кураш олиб борган совет мағкурасининг Жиззах воҳаси меҳнаткашларининг маънавий ҳаётига етказган зарари хам ниҳоятда беҳисоб бўлди. Халқ маънавий-руҳий ҳаётига асрлар оша муҳим ҳисса қўшиб келган уламолар йўқ қилиб юборилди. Кўплари бегона юртларга кетиб жон сақлашга мажбур бўлди. Бундай чидаб бўлмас қабоҳатлар оқибатида халқимизнинг не-не барҳаёт удумлари, маросимлари, анъаналари завол топди, унтишга маҳкум этилди. Фақат миллий истиқлол даврига келибгина улар янгидан рўёбга чиқиб, бугунги демократик воқелигимиздан муносиб ўрин топиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотрасиз келажак йўқ. /Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т-7. Т.: “Ўзбекистон”, 1999. 149-бет.
2. А.Набиев. Мустақиллик учун кураш ёхуд парчаланган Туркистон тарихи. Т.: “Ёзувчи”, 1998. 92-бет.
3. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т.: 2011. 323-бет.
4. “Барча вазифаларни ҳал этатурган сиёсий маърака”. Зомин. “Колхоз ғалабаси” газетаси. 1935 йил 2 феврал сони.
5. “Ботиров-савдогар”. Зомин. “Колхоз ғалабаси” газетаси. 1935 йил 19 январ сони.
6. “Жиноятчи қишлоқ вакили”. Зомин. “Колхоз ғалабаси” газетаси. 1935 йил 19 январ сони.
7. Аскаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Т.: “Ўзбекистон”, 2015.532- 533-бетлар.
8. Қозоков Э., Худойбердиев Т. Чаман ичинда бир гул. Т.: “Шарқ”, 2020.99-бет.
9. Ўзбекистоннинг янги тарихи. II-жилд. Т.: 2000, 351-бет.
10. Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана”. 1939, № 11-12. С.97-98.
11. Фаллаорол туман давлат архиви.